

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КУЙМУРАТОВА МАТЛУБАХОН АБДИМАНАБОВНА**

**ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ  
ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти  
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Куймуратова Матлубахон Абдиманабовна**

Туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-  
иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ..... 3

**Куймуратова Матлубахон Абдиманабовна**

Совершенствование организационно-экономических механизмов  
диверсификации и развития туризма ..... 29

**Kuymuratova Matlubakhon Abdinamabovna**

Improving the organizational and economic mechanisms of the development and  
diversification of the tourism industry ..... 53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КУЙМУРАТОВА МАТЛУБАХОН АБДИМАНАБОВНА**

**ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ  
ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти  
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.1.Phd/Iqt436 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Эштоев Алишер Абдуғаниевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Урганч давлат университети**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.I.66.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» 12 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (415-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «04» 11 куни тарқатилди.  
(2021 йил «04» 11 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



*Handwritten signature in blue ink.*

**Ш.Д. Саидбоев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

**Р.Б. Исмоилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Ж. Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши иқтисодиётнинг барча тармоқлари каби туризм соҳасини ҳам барқарор ривожланишига чуқур салбий таъсир кўрсатди. Соҳада 2020 йилда хорижий сайёҳлар ташрифи 2019 йилга нисбатан 56 фоизга камайган, туристик хизматлар экспортидан кўрилган зарар 1,2 триллион АҚШ долларга етган ва бу 2009 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли кўрилган зарардан 3 баравар ортик.<sup>1</sup> Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, «...Сайёрамиздаги хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи айнан туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, 2020 йилга бориб, йиллик даромад миқдори 2 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинган эди»<sup>2</sup>, аммо ушбу иқтисодий башорат халқаро даражадаги пандемия сабабли ўзини оқлай олмади. Халқаро туристик бозордаги ушбу танг ҳолатни юмшатишда соҳани ривожлантириш ва диверсификациялаш имкониятларини ишлаб чиқиш муҳим жараён дир.

Жаҳонда туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилиш асосида бир қатор илмий-амалий натижалар олинган. Жумладан, туризмнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини ошириш, хавфсиз туризмни ташкил қилиш, соҳада оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш<sup>3</sup> вазифаси белгиланган. Аммо мавжуд тадқиқотларда мамлакатимизда туризмни замонавий талабларга мос ҳолда туристик хизматларнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш каби масалалар етарлича ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

<sup>1</sup> <https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2020-08/UN-Tourism-Policy-Brief-Visuals.pdf>

<sup>2</sup> Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. UNWTO World Tourism Annual Report 2018.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони \www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4861-сонли, 2017 йил 5 декабрдаги «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 5273-сонли, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5326-сонли, 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5611-сонли, 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 6002-сонли, 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6199-сонли фармонлари, шунингдек, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари, ташкилий-иқтисодий механизмлари, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ назарий ва методологик масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар: В.И.Азар, В.С. Боголюбов, В.Квартальнов, Н.Кабушкин, Г.Папирян, Б.А.Романов, Сапрунова, В.Сенин, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенс, Дж.Уокер, Л.Ф.Ходорков, Ю.Ф.Волков, А.Д. Чудновский, Н.М.Кулдошина, А.Браймер, А.Л.Лесник, И.П.Мацицкий, А.В.Чернишев, А.Б.Косолапов, В.А.Квартальнов, М.В.Якименко, А.Э.Саак, Дж.А.Мичелли, Л.П.Шматко, Л.В.Жолобова, Г.И.Ляшко, Д.С.Ушаков, В.Г.Федцовлар<sup>4</sup> томонидан ўрганилган.

<sup>4</sup> Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенс Дж. Маркетинг. Гостеприимство и туризм. / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1998., Уокер Дж. Введение в гостеприимство. Учеб. Пособие / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1999., Ходорков Л.Ф. Мировое гостиничное хозяйство. – М.: 1991., Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристический бизнес. – Ростов н/Д: Феникс, 2009. – 637 с., Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. А.Д. Чудновского. – М.: Эксмо, 2000., Кулдошина Н.М. Экономика и финансы гостиничного бизнеса. – М.: МАТГР, 2000., Браймер А. Основы управления предприятиями и организациями индустрии гостеприимства. – М.: 1994, Организация и управление гостиничным бизнесом. / Под ред. А.Л.Лесника, И.П.Мацицкого, А.В.Чернишева – М.: 2000, Саак А.Э., Якименко М.В. Менеджмент в индустрии гостеприимства (гостиницы и рестораны). – СПб.: Питер, 2007. – 432 с., Косолапов А.Б. Теория и практика экологического туризма. – М.: 2005., Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. – М.: Советский спорт, 2004., Мичелли Дж.А. Rits-Carlton: золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия / Джозеф Мичелли: пер. с англ. В.С.Ивашенко. – М.: Эксмо, 2009. – 320 с., Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. Л.П.Шматко. – Ростов н/Д: Феникс; Издательский центр «МарТ», 2010. – 352 с., Федцов В.Г. Культура гостинично-туристского сервиса. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. 503 с., Азар В.И. Экономика и организация туризма – М.: Экономика, 2003.- 322с.; Боголюбов В.С. Экономика туризма. Учеб.пособие для студ.высш. учеб.заведений-М. »Академия», 2005. –

Туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Т.Тухлиев, Қ.Х.Абдурахмонов, И.С.Тухлиев, Н.Ибрагимов, А.Норчаев, Б.Мирбабаев, О.Ким, С.Рўзиев, Н.Рахимова, Д.Х.Асланова А.Ф.Саидов, Б.Ш.Сафаров, Т.Абдуллаева, Б.Х.Тўраев, О.М.Пардаев, О.Х.Хамидов, М.Т.Алимова кабиларининг илмий ишларида<sup>5</sup> ҳам тадқиқ этилган. Ушбу олимларнинг асарларида Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш, туристик хизматлар сифатини ошириш ва уларни такомиллаштириш муаммоларининг назарий ва амалий масалаларига кенг эътибор қаратилган. Аммо туризм соҳасида кўрсатиладиган туристик хизматларни диверсификация қилиш эвазига соҳани ривожлантириш, ҳудудлар бўйича унинг мутаносиблигини таъминлаш, соҳанинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, туризм соҳасини ривожлантириш стратегик йўналишларини аниқлаш, жаҳон туристик хизматлари бозорига миллий туристик маҳсулотларни мослаштириш, туризм тармоғига инновацияларни жорий этиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган ва мос равишда ушбу муаммога бағишланган адабиётлар ҳам кам нашр қилинган. Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиш зарурати мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолар”и

---

192с.; Квартальнов В.А. Современные концепции социального туризма. М.: Наука, 1993.; Квартальнов В.А., Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления. М.: Финансы и статистика, 1999.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма - Минск.: Новое знание, 2002.- 409 с.; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Маркетинг в туризме. М.: Финансы и статистика, 2001.-160 с.; Романов А.А. Международный туризм: политика развития: Учебное пособие. М., 1998. Сапрунова В.Б. Туризм: эволюция, структура, маркетинг. М., 1997.; Сенин В.С. Организация международного туризма: учебник.- 2-е изд.- М.: Финансы и статистика, 2005.- 400 с.;

<sup>5</sup> Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-2006. - 367 с.; Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма: учебное пособие – Т: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” Ташкент, 2013-248 с.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш.– Номзод.дисс., 2008.; Ким О.К. Маркетинг туристских гостиничных услуг. – Канд. дисс., 1999.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Номзод. дисс., 2004.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. Номзод. дисс., 2008.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш –Самарқанд.Самиси, 2006.- 137б.; Пардаев М.Қ., Рахимов Ҳ.А. Турфирмаларда молиявий натижалар таҳлили. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012.-64. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Рахимов Ҳ.А. Мехмонхона хўжалиқларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2013. – 212 бет. Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши. – Номзод. дисс., 2001.; Рузиев С.С. Ўзбекистон маданият туризм бозори ва унинг истиқболлари. – Номзод.дисс. 2009.; Рахимова Н.Р. Особенности формирования стратегии маркетинга на рынке туристических услуг. – Канд. дисс., 2010.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом республики Узбекистан. – Док.дисс., 1994. Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари Дарслик.- Т. Фан ва технология, 2014.- 332 б.; Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана. Канд. дисс., 2006. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма.-Док.дисс., 2011.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) – докторлик диссертацияси, 2017.

мавзусидаги ишлари ҳамда Наманган муҳандислик технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

жаҳон туризми ривожланишининг замонавий тенденциялари, тажриба ва истиқболларини ўрганиш;

туризм бозорини ривожлантириш орқали уни диверсификация қилишнинг жаҳон тажрибаси ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

SWOT таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда туристик хизматларни диверсификация қилишнинг стратегик истиқболини белгилаш йўллари асослаш;

туризм соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш ва соҳа самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш йўллари асослаш;

туризмни ривожлантиришда туристик ресурслардан фойдаланишнинг концептуал йўналишлари ва туристик хизматларни диверсификация қилиш даражаси ва унинг туристик маҳсулотларни кўпайтиришга таъсирини ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқиш;

туризм соҳасини бошқаришда менежментнинг таркибий тузилиши ва маркетинг концепциясини ҳамда янги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш йўллари кўрсатиб бериш;

туризмни ривожлантириш учун инфратузилма объектларини кенгайтиришнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** туристик хизматлар кўрсатувчи туристик фирмалар ва уларнинг инфратузилмалари билан боғлиқ субъектлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, социологик сўровлар ўтказиш ва умумлаштириш, иқтисодий-математик усуллар, омилли таҳлил ва бошқа таҳлилий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

туристик ресурслар таркибига геотуристтик объектларни қўшиб туристик йўналишларини диверсификациялаш таклифи ишлаб чиқилган;



туризмда сотилган хизматлар ҳажми ўзгаришига уларни диверсификация қилиш билан боғлиқ омиллар таъсирини занжирли алмаштириш асосида аниқланган;

туризм хизматларини ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-қтисодий механизмлари туристик ҳудудларни хизматлар сифати, мақсадли йўналиш ва мавзуларни маркетинг сегментацияси асосида шакллантиришни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ҳудудда геотуристтик йўналишдаги туристик объектларни эътиборга олган ҳолда соҳани ривожлантиришнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

туризм соҳасини диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари туризм соҳасини рақамлаштириш технологияларидан фойдаланган ҳолда уни реклама қилишнинг янги йўналишлари эвазига такомиллаштирилган;

туризмнинг ривожланиши ва самарадорлигини ошириш ва унинг стратегик истиқболини белгилаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда соҳанинг имкониятлардан фойдаланиб, заиф томонларини кучайтириш йўллари кўрсатиб берилган;

Фарғона водийси вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ўн битта банддан иборат стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган;

туризм соҳасига инновацияни жорий қилишда уни яратувчилар ва ундан фойдаланувчилар манфаати, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда вақт нуқтаи назаридан таснифлаш асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, социологик сўров натижасида тўпланганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш, миллий туризм хизматларини диверсификация қилиш эвазига жаҳон бозорида мазкур соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижадаридан Ўзбекистон Республикасида туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини диверсификация қилиш ва такомиллаштиришга доир амалий тадбирларни ишлаб чиқишда, қисқа ва узоқ муддатларга

мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва дастурларини яратишда, туризм соҳасига оид ўқув адабиётларини такомиллаштиришда кенг фойдаланиши мумкинлигида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

туристик ресурслар таркибига геотуристик объектларни қўшиб туристик йўналишларини диверсификациялаш бўйича илмий таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археологик мероси объектини муҳофаза қилиш ва ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 16 октябрдаги 831-сонли қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросини тامينлашда туристлар, илмий тадқиқотчилар ва ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, тарихий кўринишни сақлаган ҳолда мажмуанинг муҳофаза ҳудудидан ташқарисида замонавий комплекс дам олиш масканларини ташкил этиш ва мажмуанинг туристик салоҳиятини ошириш юзасидан бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги №02-22/8481-сон далолатномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга қўлланилиши туристик ресурсларни кенгайтириш эвазига ички ва кирувчи туризм ҳисобидан туристлар сонини 2,5-4,0 фоизга оширган;

туризмда сотилган хизматлар ҳажми ўзгаришига уларни диверсификация қилиш билан боғлиқ омиллар таъсирини занжирли алмаштириш асосида аниқланган илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги 557-сонли «2017 — 2019 йилларда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросини тامينлашда Фарғона водийси аҳолисининг фаол хордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги №02-22/8481-сон далолатномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида туристик корхоналарда сотилган хизматлар ҳажмини оширишнинг ички имкониятларини излаб топиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди;

туризм хизматларини ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-қтисодий механизмлари туристик ҳудудларни хизматлар сифати, мақсадли йўналиш ва мавзуларни маркетинг сегментацияси асосида шакллантиришни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги №02-22/8481-сон далолатномаси). Ушбу илмий таклифнинг жорий қилиниши туризм

соҳасида ҳам туристик маҳсулотларни сотиш тизимини туристларни кўпроқ жалб қилиш эвазига ошириш имкониятини яратишнинг бир қанча йўналишларини аниқлаб берган;

худудда геотуристлик йўналишдаги туристик объектларни эътиборга олган ҳолда соҳани ривожлантиришнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археологик мероси объектини муҳофаза қилиш ва ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 16 октябрдаги 831-сонли қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда туристлар, илмий тадқиқотчилар ва ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, тарихий кўринишни сақлаган ҳолда мажмуанинг муҳофаза худудидан ташқарисида замонавий комплекс дам олиш масканларини ташкил этиш ва мажмуанинг туристик салоҳиятини ошириш юзасидан бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги №02-22/8481-сон далолатномаси). Ушбу илмий тақлифнинг жорий қилиниши туризмни ривожлантиришнинг 2024 йилгача йилма-йил қай даражада ўсишини кўрсатиб берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилиб ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, шу жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини**

**тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва методологик муаммолари**”га бағишланган бўлиб, унда туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари, жаҳон туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари, туризм бозорини ривожлантириш йўналишлари ва геотуристлик имкониятлардан фойдаланган ҳолда соҳани диверсификация қилиш йўллари тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари кенгайтирилган ва туристик ресурслар таркибига геотуристлик объектларни қўшиб диверсификация қилинган. Туристлик хизматлар жараёнини модернизация қилиш учун туризмни реклама қилишда, туристларни бутун дунёдан жалб қилишда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш лозим бўлади. Бунинг учун туристик хизматларни кўрсатишда қўлланиладиган воситаларни ҳам модернизация қилиниши тақозо қилинади. Бутун дунёга туризм салоҳиятини кўз-кўз қилиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда рекламанинг илғор усулларидан фойдаланиб, ташкилий-иқтисодий механизмларни кенгайтириш заруратини туғдирмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ташкилий-иқтисодий механизмларнинг турлари, таснифи ва гуруҳлари бўйича бир қанча адабиётлар мавжуд. Улардан диссеретант фикрича, батафсил ёритилгани О.М.Пардаевнинг монографияси<sup>6</sup> ҳисобланади. Чунки мазкур тадқиқотда алоҳида иқтисодий ва ташкилий механизмлар атрофлича ёритилган. Ушбу таркибни туризмга мос равишда кенгайтирилган ва бу мазкур жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу ташкилий-иқтисодий механизмлар таркибига туризм соҳасида рақамлаштириш технологияларидан фойдаланиш масаласини киритиш тавсия қилинган. Бунда туризмни рақамлаштиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиши, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш, соҳага мос мутахассисларни тайёрлаш, туристик объектлар намойишида видео материаллардан фойдаланиш масалалари тавсия қилинган. Шунингдек, дунё аҳолисини жалб қилишда туризмнинг янги йўналишларини реклама қилиш масалалари қайд этилган. Чунки бугунги кунда туризмни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан ва шулар асосида рекламалардан фойдаланилмаса, мамлакатимизга дунё аҳолисини “чақириб олиш” жуда мураккаб бўлади. Шу туфайли ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда дунё аҳолисини мамлакатимизга турист сифатида жалб қилиш учун рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш объектив заруратдир. Мамлакатимизга жаҳон аҳолисини қизиқтиришнинг йўлларида бири рекламанинг “AIDA” моделидан фойдаланилиши анча қулайлигига гувоҳ бўлдик. Чунки рақамли иқтисодиёт ва бошқа тавсия қилинган механизмларнинг жамланмаси айнан шу моделда ўз аксини топади.

---

<sup>6</sup> Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017. – 284 бет.

Ташкилий-иқтисодий механизмлар таснифи, гуруҳлари ва турлари<sup>7</sup>

Ташкилий механизм	Мулкый муносабатлар	Хусусий мулк
		Жамоавий мулк
		Давлат мулки
		Шахсий мулк
		Аралаш мулк ва ҳ.к.
	Иш жараёнини ташкил қилиш	Ихтисослаштириш
		Кооперациялаштириш
		Меҳнат тақсимотини жорий қилиш
		Кўпсоҳали ишларни ташкил қилиш
	Таркибий тузилмалар	Мустақил корхоналар
		Бирлашмалар
		Акциядорлик жамиятлари
		Масъулияти чекланган жамиятлар каби
Меъёрий-ҳуқуқий асослар	Қонунлар	
	Низомлар	
	Меъёрлар, қоидалар каби қонуности ҳужжатлари	
Диссертант тавсияси	Туризм соҳасида рақамлаштириш технологияларида н фойдаланиш	Замонавий компьютер технологиялари
		Туризмни рақамлаштиришга қаратилган дастурлар
		Соҳага мос мутахассислар
		Туристлик объектлар намоишида видео материаллардан фойдаланиш
Иқтисодий механизм	Бошқариш ва унинг функциялари	Бухгалтерия ҳисоби
		Назорат
		Молиявий-ҳўжалик фаолияти таҳлили
		Режалаштириш
	Молиялаштириш	Мулкдорнинг ўз маблағлари ҳисобидан
		Ички ва хорижий инвесторлар ҳисобидан
		Кредитлар ҳисобидан ва ҳ.к.
	Рағбатлантириш	Моддий рағбатлантириш (мукофотлаш)
		Турли жазо чораларини кўриш
		Маънавий рағбатлантириш
	Режалаштириш	Узоқ муддатли дастурларни қабул қилиш
		Жорий даврга режалаштириш
		Корхона бўйича умумий режа
		Ҳар бир филиал ва бўлинмалар бўйича режа кабилар
	Меъёрлаштириш	Харажатлар меъёри
		Вақт меъёри
		Табиий йўқотишлар меъёри кабилар
Диссертант тавсияси	Дунё аҳолисини жалб қилишда туризмнинг янги йўналишларини реклама қилиш	Миллий гостраномик туризм тарғиботи,
		Туристларга мўлжалланган экологик уйлар
		Дунё аҳамиятига эга янгидан очилган маданий мерос объектлари
		Турли йўналишлардаги санъат фестиваллари кабилар.

<sup>7</sup> Ушбу туркум О.М.Пардаевнинг “Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари” номли монографиясида келтирилган (Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017. – Б.90-91). Диссертант тавсиялари ушбу ташкилий-иқтисодий механизмлар таркибига кўшиб кўрсатилган.

Шу туфайли туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таркибини ўрганишда ахборот-коммуникация технологияларидан ва рекламанинг “АИДА” моделидан фойдаланилди. Бунда хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманларида иштирок этиш, водийнинг ўзига хос миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, худудга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида дунёнинг йирик шаҳарларида ўтказиладиган халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиш орқали водийнинг жозибadorлигини намойиш қилиш, шунингдек, интернет ва ахборот-технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз аҳолисини жадб қилишга мўлжалланган турли кўргазма ва оммавий тадбирларни ўтказиш, уларни ҳужжатли филм сифатида ижтимоий тармоқларга турли тилларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

“AIDA” модели, энг аввало, кишиларнинг эътиборини ўзига қаратади, сўнгра қизиқишини уйғотади. Ундан кейин мамлакатимизга ташриф буюришга хоҳиш пайдо бўлади ва ниҳоят, сафар учун чипталарни ва йўлланмаларни харид қилишга ҳаракат бошланади. Буларнинг ҳаммаси туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун муҳим омил эканлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланди ва бу куйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. “AIDA” моделининг тузилиши<sup>8</sup>

Расмдан кўришиб турибдики, туризмда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали рекламанинг “AIDA” моделини қўллаш мумкин. Чунки масофадан туриб, одамларда руҳий жиҳатдан бешта босқичга эришиш натижасида ички ва кировчи туристлар сонини

<sup>8</sup> Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

кўпайтириш, ҳудудда янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг фаровонлиги ва ҳаёт даражасини кўтариш мураккаб бўлади.

Тадқиқот натижасида туристик ресурслар таркибига геотуристтик объектларни қўшиб туристик йўналишларини диверсификациялаш таклифи ишлаб чиқилган.

Туризм соҳасида диверсификация қилиниши мумкин бўлган жуда кўп жиҳатлар мавжуд. Муаллиф уларни илк бор асосий йўналишлар бўйича гуруҳлашга муваффақ бўлди. Бунда туристик ҳудудларни диверсификация қилиш мумкинлиги асосланди. Туризмни диверсификация қилишнинг иккинчи йўналиши туристик бозорларни диверсификация қилиш ҳисобланади. Учинчи йўналиш туристик ресурсларни диверсификация қилиш бўлса, тўртинчи йўналиш туристик хизматлар диверсификациясидан иборатлиги асосланди (2-расм).



2-расм. Туризм соҳасида диверсификация қилиниши мумкин бўлган асосий йўналишлар<sup>9</sup>

Расмдан кўриниб турибдики, туризм соҳасида диверсификация қилиниши мумкин бўлган асосий йўналишлар, таъкидланганидек, туристик хизматлар диверсификацияси, туристик бозорлар диверсификацияси, туристик ресурслар диверсификацияси ва туристик ҳудудлар диверсификациясидан иборат экан. Аммо туристик ресурслар таркибида **геотуризм** ўз аксини топмаган. Мамлакатимизда геотуристтик объектлар жуда кўп. Туристик йўналишларга, албатта геотуризмни қўшиш лозим бўлмоқда.

**Геотуризмнинг асосий объекти** – геопарклар ҳисобланади. Геопарк Ернинг геологик тарихи очик кўринишларига эга бўлган, маҳаллий табиий ландшафтлар, тоғ жинслари, қазилмаларнинг бузилмаган ҳолатларда сақланганлиги, қадимги ҳайвонларнинг қолдиқлари, излари мавжуд бўлган давлатларнинг махсус муҳофазасида турган халқаро аҳамиятдаги ноёб ҳудудлар ҳисобланади.

«Геопаркларнинг глобал тармоқлари»га (GGN) биринчи аъзо бўлган давлатлар Геопарклар бўйича 2004 йилда ўтказилган Биринчи Бутунжаҳон халқаро конференцияда эълон қилинди. 2018 йилда 38 та давлат (140 та геопарк бор) «Геопаркларнинг глобал тармоқлари»га (GGN) аъзо бўлган. Бугунга келиб, 41 та давлатда 147 та геопарк мавжуд. Шулардан, 75 таси

<sup>9</sup> Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

Европада қолганлари бошқа давлатларда жойлашган (4-илова). Геопарклар ҳозирги кунда давлатларнинг иқтисодиётига туризм орқали катта фойда келтирмоқда. ЮНЕСКОнинг маълумотлари бўйича, Португалиянинг шимолидаги Ароука геопарки йилига маҳаллий бюджетга 15 млн. евро келтирар экан. Малайзиянинг Ланггави геопарки келтирган даромад ҳисобига бу оролдаги аҳоли тўлиқ турмуш тарзини ўтказмоқда. Марказий Осиё давлатларида геопарклар яратишнинг жуда катта имкониятлари бўлишига қарамасдан, бу масаланинг ечимига эндигина киришмоқда. Геотуризмнинг Ўзбекистонда ривожланиш имкониятлари ҳам катта. Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам геотуризмга қизиқиш кучайиб бормоқда. Ўзбекистонда геотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш ташаббуси билан 2013 йилдаги «Тошкент бутунжаҳон туризм кўргазмаси»да Ўзбекистон Республикасининг Геология бўйича давлат қўмитасининг таркибидаги Давлат корхонаси бўлган «Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти» чиққан эди. Ҳозирги кунда ушбу институтнинг хулосалари бўйича Ўзбекистонда геотуризмни қуйидаги ҳудудларда ривожлантириш мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон ҳудудларидаги мавжуд геотуристтик объектлар

Т/р	Геотуристтик объектлар	Жойлашуви ва мазмуни
1.	Бештепа худуди	Бу ерда палеоген давридаги (50 млн. йил олдин) ўсимликларнинг асл ҳолида тошга айланган қолдиқлари мавжуд
2.	Аёз-қалъа	Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган объектида «тош ўрмонлари»нинг терилган қолдиқлари, қуйи мел даври ўсимликларининг тошга айланган ташқи кўринишлари (100 млн. йил олдин) мавжуд.
3.	Уст юрт платоси	Бу ерда катта сув ҳавзаларининг қуриши натижасида ҳайкаллар кўринишини олган шакллар мавжуд. Ушбу объект кайнозой даврида (21 млн.йил олдин) қуриган денгиз таги ҳисобланади.
4.	Ҳисор тизмаси тоғлари	Жанубий-ғарбий тизмасида жойлашган бўлиб юра, бўр, палеоген ва неоген даврларидаги (1,8-19,9 млн. йил олдин) қолдиқларидан иборат ноёб геологик кесим. Бу даврларнинг қолдиқлари кетма-кет худди галерея ҳолида жойлашган, бетакрор кўринишга эга.
5.	Китоб геологик давлат кўриқхонаси	Занзилбан сойининг кесмаси Қуйи Девон даври Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарти ҳисобланади.
6.	Сангжумон тебранувчи тош	Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Олимларнинг хулосалари бўйича тошнинг оғирлиги 300 тонна. Мўъжизалиги шундаки, уни ёш бола ҳам қимирлатиши мумкин.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон жуда катта геотуристтик салоҳиятга эга. Булар ҳали аниқланганлари, улардан ташқари ҳам жуда кўплаб геотуристтик ресурслар мавжуд. Булардан геотуризмни ривожлантиришда ҳам самарали фойдаланиш лозим. Уларнинг барчаси халқаро миқёсда аҳамиятга эга. Биргина Китоб геологик давлат кўриқхонаси худудида халқаро меридианнинг ўтганлиги ҳақида халқаро белги қўйилган. Бу имкониятни реклама қилиб, халқаро экотуристларни ва геотуристларни кўриқхонага



қизиқтириш мумкин. Китоб шахри ва Китоб геологик давлат кўриқхонаси ўзининг астрономик кенгликлари билан ҳам машҳур. Бир географик кенгликда жойлашган бундай ноёб шаҳарлар жаҳонда санокли: Карлофорт (Италия), Юкая ва Гейтерсбург(АҚШ) ва Минцузава(Япония).

Қайд этиш жоизки, 2019 йилнинг 3 август куни Ўзбекистоннинг 2500 ёшдаги Шахрисабз шаҳрида I Халқаро геотуристтик форум ўтказилди. Форумда 15 та давлатнинг олимлари ва туризм мутахассислари қатнашди. Форумнинг бош мақсади Ўзбекистон Республикасида туризмнинг янги, истиқболли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган эди. Ушбу Форумда қадимий шаҳар яқинидаги Китоб давлат геологик кўриқхонасини ЮНЕСКОнинг халқаро геопарклар тизимида қабул қилиниши таклиф қилинди. Форум қатнашчилари таклифи билан бўлғуси геопаркка «Ҳаётнинг бошланиши – Ўзбекистон» биринчи туристик маршрут – кўриқхонанинг Занзилбан худудларига уюштирилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб геопарк ташкил қилишга киришди. МДХ давлатларида «Геопаркларнинг глобал тармоқлари»га (GGN) аъзо давлатлар ҳозиргача йўқ.

Кўриниб турибдики, туризм соҳасини диверсификация қилиш мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Шу туфайли уни мунтазам равишда амалга ошириб бориш бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради. Улардан бири – мамлакатимизда катта имкониятларга эга бўлган геопаркларга геотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришдир. Бунинг учун биринчи босқичда геопаркларимизни «Геопаркларнинг глобал тармоқлари» (GGN) рўйхатида киритиш ва уни жаҳон миқёсида тарғиб қилиб, халқаро ва ички туризмни ривожлантиришдан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Туризм соҳаси ва туристик хизматларни диверсификация қилишнинг туристик маҳсулотларни кўпайтириш ва ривожлантиришга таъсирини баҳолаш йўллари”**га бағишланган бўлиб, унда жаҳон туризмида диверсификация натижасида глобаллашув жараёнлари ва уларнинг Ўзбекистон туризмнинг ривожланишига таъсири, туризмни диверсификация қилишнинг стратегик истиқболлини белгилашда SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш масалалари, туристик хизматларни диверсификациялаш даражасини аниқлаш ва уларнинг сотилган туристик хизматлар ҳажмига таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Муаллиф томонидан туризмда сотилган хизматлар ҳажми ўзгаришига уларни диверсификация қилиш билан боғлиқ омиллар таъсирини занжирли алмаштириш асосида аниқланган.

Туризм соҳасининг ривожланишига бевосита, яъни тўғридан-тўғри омиллар билан бирга, билвосита таъсир этувчи омилларнинг ҳам кўлами кенг. Булар бевосита жамиятнинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ шароитларида рўй бераётган сайёравий жараёнлар ва ўзгаришлар ҳамда глобал экологик омиллардан иборатдир. Уларга: табиий-иқлим, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техник, экологик, географик ва этник омиллар киради.

Тадқиқот давомида туризм соҳаси иш натижаларига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари микро даражага мос ҳолда ишлаб чиқилди. Туризм соҳасида сотилган хизматлар ҳажми (Q) ўзгаришига хизматларни диверсификация қилиш билан боғлиқ қуйидаги омилларнинг таъсир қилиши асосланди:

- туристик хизмат турларининг сони, яъни диверсификацияси, бирликда (Дхт);

- битта туристик хизмат турига тўғри келадиган туристлар сони, киши (Тс);

- битта туристга тўғри келадиган ўртача тушум, минг сўм (Ўт).

Ушбу омилларни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинди:

$$Q = D_{хт} * T_{с} * \dot{U}_{т};$$

Ушбу учта омил таъсири иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усули қўлланиб, кетма-кет равишда қуйидагича аниқланди:

**1-омил (Дхт) таъсири:**  $\Delta Q_{дхт} = (D_{хт1} * T_{с0} * \dot{U}_{т0}) - (D_{хт0} * T_{с0} * \dot{U}_{т0});$

**2-омил (Тс) таъсири:**  $\Delta Q_{тс} = (D_{хт1} * T_{с1} * \dot{U}_{т0}) - (D_{хт1} * T_{с0} * \dot{U}_{т0});$

**3-омил (Ўт) таъсири:**  $\Delta Q_{\dot{у}т} = (D_{хт1} * T_{с1} * \dot{U}_{т1}) - (D_{хт1} * T_{с1} * \dot{U}_{т0});$

**Барча омиллар таъсири:**  $\Delta Q = \Delta Q_{дхт} \pm \Delta Q_{тс} \pm \Delta Q_{\dot{у}т}.$

Мазкур усулга амалий маълумотларни қўллаб, ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоблаш имконияти яратилди. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Туристтик хизматларни диверсификация қилиш жараёнининг сотилган маҳсулот (туристик хизматлар) ҳажми ўзгаришига таъсининг 2019-2020 йиллардаги ҳисоб-китоби<sup>10</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган 2019 йилда	Ҳақиқатда 2020 йилда	Биринчи омилнинг таъсирида	Иккинчи омилнинг таъсирида
1.	Туристтик хизмат турларининг сони, бирликда	17	21	21	21
2.	Битта хизмат турига тўғри келадиган туристлар сони, киши (3к/2к)	141,2	119,0	141,2	119,0
3.	Битта туристга тўғри келадиган ўртача тушум, минг сўм (1к/2к)	12,73	13,06	12,73	12,73
4.	Сотилган маҳсулот (хизматлар ҳажми), минг сўм	30557,1	32637,0	37747,0	31812,3

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, сотилган туристик хизматлар ҳажми 2019-2020 йилларда 2079,9 минг сўмга (32637,0 – 30557,1) ошган. Ушбу ўзгаришга юқорида келтирилган учта омилнинг таъсири аниқланди. Улар мос равишда қуйидагилардан иборат:

$$\Delta Q = 32637,0 - 30557,1 = (21 * 119,0 * 13,06) - (17 * 141,2 * 12,73) = 2079,9;$$

$$\Delta Q_{дхт} = 37747,0 - 30557,1 = (21 * 141,2 * 12,73) - (17 * 141,2 * 12,73) = 7189,9;$$

<sup>10</sup> Тадқиқ қилинган туристик фирмалар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

$$\Delta Q_{\text{тс}} = 31812,3 - 37747,0 = (21 \cdot 119,0 \cdot 12,73) - (21 \cdot 141,2 \cdot 12,73) = 5934,7;$$

$$\Delta Q_{\text{ўт}} = 32637,0 - 31812,3 = (21 \cdot 119,0 \cdot 13,06) - (21 \cdot 119,0 \cdot 12,73) = 824,7;$$

$$7189,9 - 5934,7 + 824,7 = +2079,9 \text{ минг сўм.}$$

Омилли таҳлил натижасида туризм соҳасида хизматларни диверсификация қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш тақозо қилинади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, натижа кўрсаткичи ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 2079,9 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгаришга иккита омил ижобий ва битта омил салбий таъсир қилган, яъни битта хизмат турига тўғри келадиган туристлар сонининг 22,2 кишига камайиши натижа ўзгаришини 5934,7 минг сўмга камайишига олиб келган. Агарда ушбу омил ҳеч бўлмаганда ўтган йилги даражада қолганда эди, сотилган маҳсулот (хизматлар ҳажми) яна шунча сўмга кўпайган ва унинг ҳажми 30557,1 минг сўм эмас, балки 36491,8 минг сўм (30557,1 – 5934,7) бўларди. У ҳолда натижа кўрсаткичининг ўсиш суръати 106,9 % эмас, балки 119,4 %ни ташкил (36491,8\*100/30557,1) қилган бўларди. Кўриниб турибдики, мазкур субъектда қўлланилмай қолган ички имконият жуда катта бўлган. Унинг даражаси 12,2 %ни (119,4 – 106,9) ташкил қилади. Демак, келгусида хизмат турларини диверсификация қилиш жараёнида асосий эътиборни хизмат турларини кўпайтириш билан бирга, битта хизмат турига тўғри келадиган туристлар сонининг ҳам кўпайишига алоҳида аҳамият бериш лозим экан. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда соҳани ривожлантиришнинг имкониятларидан фойдаланиш ва таҳдидларни бартараф қилиш йўллари ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг учинчи боби **“Туризм соҳасини ва туристик хизматларни диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари”**га бағишланган. Ушбу бобда туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва туристик хизматларни Фарғона водийси вилоятлари бўйича диверсификация қилиш истиқболлари, туризм соҳасини диверсификация ва модернизация қилишнинг маркетинг концепцияси ҳамда геотуризмни ривожлантириш имкониятлари, туризм ва туристик инфратузилма хизматлари билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози тадқиқ этилган.

Туризм соҳаси ва туристик хизматларни ривожлантириш ҳамда диверсификация қилишнинг муҳим йўналишларидан бири маркетинг концепциясидир. Тадқиқотда туризм хизматларини ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари туристик ҳудудларни хизматлар сифати, мақсадли йўналиш ва мавзуларни маркетинг сегментацияси асосида шакллантиришни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотларимиз натижасида, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маркетинг концепцияси қуйидаги йўналишларни ўз ичга олиши асосланди. Буларга:

- туристик хизматлар сифатини такомиллаштириш концепцияси;
- туристик хизматлар турларини диверсификация қилиш концепцияси;
- туристик хизматлар бозорини диверсификация қилиш концепцияси;

туристик хизматларни модернизация қилиш концепцияси;  
 туристик хизматларга инновацияларни жорий қилиш концепцияси;  
 туристик хизматлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш концепцияси;  
 туристик хизматлар экспортини ошириш концепцияси кабиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Уларнинг изоҳи куйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Туристик хизматлар маркетингининг концепцияси<sup>11</sup>

Т/р	Туризм соҳасидаги маркетинг концепциялари номи	Туризм соҳасида маркетинг концепциялари изоҳи
1.	Туристик хизматлар сифатини такомиллаштириш концепцияси	Туристик хизматлар истеъмолчиси бўлган туристларнинг кўрсатиладиган хизматлардан ҳар томонлама қониқишини таъминлаш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бориб, хизматлар сифатини муттасил ошириб бориш стратегияси ишлаб чиқилади.
2.	Туристик хизматлар турларини диверсификация қилиш концепцияси	Туристлар турли мамлакатлардан, турли миллат ва дин вакиллари бўлганлиги туфайли ҳаммасига бир хил андозада, бир хил хизматлар билан ёндашиш маълум маънода камлик қилади. Шу туфайли ҳар бир туристга мос кенг кўламли хизматлар тури бўлиши ва уларнинг турларини талабдан келиб чиқиб, муттасил кўпайтириб бориш стратегияси ишлаб чиқиши лозим.
3.	Туристик хизматлар бозорини диверсификация қилиш концепцияси	Бозор муносабатлари шароитида барча соҳалар сингари туристик бозорда ҳам рақобат муҳити мавжудлиги туфайли, туристик бозорни кенгайтириш устида муттасил иш олиб борилиши ва имкон қадар қирувчи туристлар сонини узлуксиз равишда ошириб бориш стратегияси ишлаб чиқиши лозим.
4.	Туристик хизматларни модернизация қилиш концепцияси	Жаҳон миқёсида туризм тез ривожланиб, унинг инфратузилмасига, туристик индустриясига талаб йилдан-йилга, кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу туфайли туристик хизматларни ва уни кўрсатишда қўлланиладиган воситаларни ҳам муттасил модернизация қилиш, халқаро талабларга мос хизматларни кўрсатиш стратегияси ишлаб чиқиши айнан бугунги кун талабига мос бўлишни тақозо қилади.
5.	Туристик хизматларга инновацияларни жорий қилиш концепцияси	Туристик хизматларни модернизация қилиш бевосита унга инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқдир. Шу туфайли ҳозирги шароитда рақобатбардош туристик хизматларни шакллантириш учун соҳага узлуксиз инновацияларни жорий қилиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиши лозим.
6.	Туристик хизматлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш концепцияси	Туризмни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири, ҳар бир кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш билан бирга, хизматлар нархида оптимал сиёсатни қўллаш тақозо қилинади. Шу туфайли хизматларнинг сифати ва нархининг уйғунлигини таъминлаш билан бирга, уларни модернизация, диверсификация қилиш мақсадида, узлуксиз равишда, инновацияларни жорий қилиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Муаллиф томонидан туризмнинг ривожланиши ва самарадорлигини ошириш ва унинг стратегик истиқболини белгилаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда соҳанинг имкониятлардан фойдаланиб, заиф

<sup>11</sup> Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

томонларини кучайтириш йўллари кўрсатиб берилган. Бугунги кунда туризмни диверсификация қилишнинг стратегик истиқболини белгилашда, унинг кучли томонларини, имкониятлари, заиф томонлари ва таҳдидларини ўрганиш ҳаётий заруратга айланиб қолди. Уларни билмасдан, таҳлил қилмасдан туриб, у ёки бу жараёни такомиллаштириш борасидаги таклифларни етарли даражада асослаш ҳам мураккаб. Шу туфайли, ушбу масалани амалга ошириш учун SWOT – таҳлил усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

SWOT – таҳлилни амалга оширишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Биринчидан, ушбу таҳлилда туризм соҳасини диверсификация қилиш бўйича тегишли далиллар (фактлар) билан бирга, ушбу соҳани стратегик ривожлантиришда мантикий таҳлил усулларида ҳам кенг фойдаланилади.

